

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.17/7.06.2024.К/Т.06.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР
УНИВЕРСИТЕТИ**

ЖЎРАЕВ ШОҲРУХ ТЎЛҚИНОВИЧ

**РЕЗИНА САНОАТИ ВУЛКАНЛАНГАН ЧИҚИНДИЛАРИНИ ПАСТ ҲАРОРАТЛИ
ТЕРМИК ҚАЙТА ИШЛАШ АСОСИДА ИНГРЕДИЕНТЛАР ОЛИШ ВА ҚЎЛЛАШ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Навоий -2025 йил

**Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора (DSc) по техническим
наукам**
Content of the dissertation abstract of doctor of (DSc) on technical science

Жўраев Шохрух Тўлкинович

Резина саноати вулканланган чиқиндиларини паст ҳароратли термик қайта ишлаш асосида ингредиентлар олиш ва қўллаш технологиялари.....3

Жураев Шохрух Тулкинович

Технология получения и использования ингредиентов на основе низкотемпературной термической переработки вулканизированных отходов резиновой промышленности.....27

Juraev Shohrux Tulkinovich

Technologies for the recovery and application of ingredients derived from low-temperature thermal treatment of vulcanized rubber waste.....53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....57

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.17/7.06.2024.К/Т.06.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР
УНИВЕРСИТЕТИ**

ЖЎРАЕВ ШОҲРУХ ТЎЛҚИНОВИЧ

**РЕЗИНА САНОАТИ ВУЛКАНЛАНГАН ЧИҚИНДИЛАРИНИ ПАСТ ҲАРОРАТЛИ
ТЕРМИК ҚАЙТА ИШЛАШ АСОСИДА ИНГРЕДИЕНТЛАР ОЛИШ ВА ҚЎЛЛАШ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Навоий -2025 йил

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2025.2.DSc/T934 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Навоий давлат кончилик ва технологиялар университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.nsumt.uz ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Мухиддинов Баходир Фахриддинович
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар

Амонов Мухтар Рахматович
техника фанлари доктори, профессор

Икромов Абдувахоб
техника фанлари доктори, профессор

Файзуллаев Нормурот Ибодуллаевич
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат техника университети

Диссертация ҳимояси Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети ҳузуридаги DSc.17/7.06.2024.К/Т.06.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2025-йил 6-сентябр соат 9:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил:210100, Навоий шаҳри, Ғалаба шоҳ кўчаси, 76 в-уй. Навоий давлат кончилик ва технологиялар университетининг мажлислар зали. Тел.:0(436) 223-23-32; факс:0 (436) 223-49-66; (e-mail: info@nsumt.uz).

Диссертация билан Навоий давлат кончилик ва технологиялар университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (219 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Ғалаба шоҳ кўчаси, 76в-уй. Навоий давлат кончилик ва технологиялар университетининг мажлислар зали. Тел.: 0 (436) 223-23-32; факс: 0 (436) 223-49-66; (e-mail: info@nsumt.uz).

Диссертация автореферати 2025-йил «21» август куни тарқатилди.

(2025 йил «21» августдаги 13 рақамли реестр баённомаси).



[Handwritten signature]

Нурмуродов Т.И.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси в.в.б., т.ф.д., проф.

[Handwritten signature]

Шарипов С.Ш.

Илмий даражалар бериш бўйича
илмий кенгаш котиби, PhD, доцент

[Handwritten signature]

Ваповев Ҳ.М.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинар раиси., т.ф.д., проф.

КИРИШ (Фан доктори диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ишлатилган резинатехника буюмлари, автомобил шиналари ва резина саноати вулканланган чиқиндиларини қайта ишлаш технологиялари кенг қўлланилади. Шу билан бирга, уларни атроф-муҳитга зарарини камайтириш учун янги технологиялар, машина аппаратларини яратиш, олинган ингредиентларни физик-кимёвий хоссаларини ўрганиб стандартлаштириш, модификациялаш орқали уларнинг ишлатилиш жойларини ошириш, ҳар хил структурали полимерлар асосидаги композициялар технологик, реологик ва техник хоссаларига таъбири ўрганилиб ва ҳар хил шароитларда ишлатилувчи буюмлар олиш технологияларини, фаоллаштирилган кукунли ингредиентлар ёрдамида чиқинди сувларни тозалаш натижасида ҳосил бўлган сув таркиби мавжуд экологик ва санитария нормаларига мос келишини баҳолаш ва саноат чиқинди сувларини тозалаш технологиясини ишлаб чиқиш борасида илмий ишлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда резина саноати вулканланган чиқиндилари ва эскирган буюмларини қайта ишлаш технологияларини такомиллаштириш, атроф-муҳитга чиқадиган газларнинг миқдорини камайтириш, қайта ишлаш усуллари ёрдамида олинаётган ингредиентларнинг саноатда ишлатилиш соҳаларини кенгайтириш ва чиқиндисиз технологияларни яратиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, яратилган ингредиентларни синифлаш ва стандартлаштириш, ишлатилиш жойига қараб фаоллаштириш ва модификациялаш, ҳамда экологик нуқтаи-назардан афзалликларга эга бўлган углеводородли бирикмаларни ва композицияларни ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда резина саноати вулканланган чиқиндиларини ва эскирган резинатехника буюмлари ва шиналарни қайта ишлашнинг оптимал вариантларини ва шу усуллар ёрдамида олинган ингредиентларнинг ишлатилиш соҳаларини аниқлаш ва кенгайтириш, натижада экологик муаммоларни яхшилаш бўйича илғор илмий асосланган чора-тадбирларни жорий қилиб, бир қатор илмий-амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”да “маҳаллий хомашё ва иккиламчи ресурслардан импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар олиш технологияларини яратиш”¹ вазифаси белгилаб берилган. Бу борада резина саноати вулканланган чиқиндилари ва эскирган буюмларини қайта ишлаш технологияларини такомиллаштириш, олинган ингредиентларни модификациялаб, улар асосида олинувчи полимер композицияларини технологик, техник ва специфик хоссаларини яхшилаш, уларни қўшиб берилган талабларга эга бўлган композиция таркибларини яратиш, кукунли углерод сақлаган материаллар асосида саноат оқова

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60- сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида».

сувларини тозаловчи сорбентлар олиш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2021-йил 13-февралдаги ПҚ-4992-сон “Кимё саноати корхоналарини янада ислоҳ қилиш ва саноат корхоналарини молиявий соғломлаштиришни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 11 февралдаги ПФ-2298-сон “Буюм ва материалларни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида”ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги ва 2017 йил 6 апрелдаги ПФ-4891-сон “Товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажми ва таркибини танқидий таҳлил қилиш, импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш тўғрисида” ги фармонлари ва 2017 йил 21 апрелдаги ПҚ-2916-сон “2017-2021 йилларда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика илм-фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. “Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.²

Резина саноати вулканланган чиқиндилари ва эскирган буюмларини қайта ишлаш технологияларини такомиллаштириш, олинган ингредиентларни модификациялаб, улар асосида олинувчи полимер композицияларини технологик, техник ва специфик хоссаларини яхшилаш, уларни қўшиб берилган талабларга эга бўлган композиция таркибларини яратиш, кукунли углерод сақлаган материаллар асосида саноат оқава сувларини тозаловчи сорбентлар олиш бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: Fraunhofer Institute for Environmental Safety and Energy Technology (UMSICHT) (Германия), University of Akron (АҚШ), Loughborough University (Буюк Британия), Cinghua University (Хитой), Indian Institute of Technology (ИТ) Kharagpur (Индия), Indian Institute of Technology (ИТ) (Индия), University of New South Wales (UNSW) (Австралия), Королевский технологический институт (Швеция), Университет штата Нью-Йорк в Стони-Брук (США), Университет Цинхуа (Китай), Башкиртиястон давлат университети (Россия), Всероссийский научно-исследовательский институт кабельной промышленности (Россия),

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.elsevier.com, www.issr.rssi.ru, www.cilbrary.com, www.edunews.ru, <https://scholar.google.com/>, www.fundamentalresearch.ru ва бошқа ахборот манбалар асосида тайёрланди.

Волгоградский государственный технический университет (Россия) Навоий давлат кончилиги ва технологиялар университетида, Тошкент давлат транспорт университети, Тошкент давлат техника университети, Миллий технологик тадқиқотлар университетида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Дунёда эластомер композициялари таркиби ва уларни яратиш технологиясини ишлаб чиқишга бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган ва қуйидаги илмий натижалар олинган, жумладан: модификацияланган, юқори структурали минерал тўлдирувчиларни олиш технологияси ишлаб чиқилган (Tokyo Institute of Technology, Япония); Сирт-фаол моддалар билан модификация қилинган тўлдирувчилардан фойдаланиш орқали эластомер композициялари таркиби ва уларни тайёрлаш жараёни такомиллаштирилган (California Institute of Technology, АҚШ); Углерод нанотрубкалари, графен ва нанокремний диоксиди қўшиш асосида эластомер композицияларининг механик мустаҳкамлиги ва чўзилишга чидамлилиги 30–40% га оширилган (Max Planck Institute for Polymer Research, Германия). Силикат ва алюмосиликат толалари асосида гибрид композициялар яратилган (Leibniz Institute for Polymer Research Dresden, Германия; University of Akron, АҚШ); Плазмали модификация ва радиацион вулканизация усули орқали эластомерлар олишнинг энергия тежамкор технологияси яратилган (Institute of Macromolecular Chemistry, Чехия); Сувда эрувчи биополимерлар билан биргаликда органик–неорганик наноқўшимчалар асосида биопарчаланувчи ва экологик хавфсиз эластомер композицияларини олиш технологияси яратилган (National Institute for Materials Science, Япония); Қайта тикланадиган органик хомашёлардан олинган “яшил эластомерлар” ишлаб чиқилган (Université de Lyon, Франция).

Дунёда резина саноати чиқиндиларини қайта ишлаш асосида қўйимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича устовор йўналишларда қуйидаги қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан резина саноат чиқиндиларини қайта ишлашнинг экологик хавфсиз технологиясини яратиш, атроф-муҳитга зарарсиз экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш, эластомер композицияларини механокимёвий фаоллаштириш, полимер композицияларни майдалаш, ишқалаш ва зарбли таъсир орқали наноқўшимчаларни бир турда тақсимланишини таъминлаб, композициянинг механик мустаҳкамлиги ва термостабиллигини ошириш, силикат ва алюмосиликатли толаларни полимер матрица билан бирлаштириб, гибрид эластомер композицияларини олиш; тиббий чиқиндилар ва чиқинди сувларни тозолаш учун турли эластомер композицияларни ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Резина саноати вулканланган чиқиндилари ва эскирган буюмларини қайта ишлаш, улардан олинадиган иккиламчи хом-ашёлардан унумли фойдаланиш бўйича қуйида номлари келтирилган олимлар: Х.Накамура, С.Джонс, В.Ли, Г.Кац, Ю.Краусс, А.Донцов, Б.А.Догадкин, А.А.Берлин, Ф.Ф.Кошелёв, А.Е.Корнев, А.М.Буканов, М.Л.Уральский, Б.Е.Гуль, Ю.Л.Липатов, А.М.Смирнова, Ю.С.Зуев, В.М.Гончаров, П.В.Ракова, Л.Б.Коварьская, А.Г.Шварц, Г.А.Сорокин,

Н.Д.Заҳаров, Г. А. Блок, Д. Н.Мак-Келъви, Ю.Ш.Шодиметов, С.С.Негматов, А.К.Юсупбеков, А.С.Ибадуллаев, Е.У.Тешабаева, Б.Ф.Муҳиддинов ва шу каби бошқа мутахассислар илмий тадқиқот ишларини олиб боришган.

Резина саноати вулканланган чиқиндилари ва эскирган буюмларини термик қайта ишлаш натижасида, саноатда иккиламчи маҳсулотлар учун ишлатиш мумкин бўлган хом-ашёлар ҳосил бўлади. Шундан келиб чиқиб, композицион эластомер материаллар ва улар асосида маҳсул хоссага эга бўлган резина-техника буюмлари олишда термик қайта ишлаш натижасида олинган маҳсулотларни иккиламчи хом-ашё сифатида ва юқори молекуляр бирикмалардан (резинотехника маҳсулотлари, резинотекстил, резинометалл материаллар ва шиналар) юқори мустаҳкамликка эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришда қўллаш ўрганилган.

Резина саноати вулканланган чиқиндилари ва эскирган буюмларини термик қайта ишлаш учун яратилган чиқиндисиз ишлаб чиқариш комплексидан фойдаланиш натижасида олинган иккиламчи маҳсулотларни атроф-муҳитга чиқадиган зарарли газлар ажралиб чиқишини камайтириш ва иккиламчи резинотехника маҳсулотларидан ингредиентлар олиш ва ишлатиш соҳаларини аниқлаш истиқболли ҳисобланади.

Шу билан бирга композицион эластомер материаллар учун модификация қилинган тўлдиргичлар олиш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: яратилган ингредиентлар асосида модификация қилинган тўлдиргичлар олиш; маҳаллий хомашёлар асосида минерал тўлдиргичларни модификация қилиш учун модификаторлар яратиш; маҳаллий хомашёлар асосида модификаторлар олиш технологиясини яратиш; яратилган модификация қилинган тўлдиргичлар асосида маҳсул хоссага эга бўлган композиция таркиби, олиш технологиясини ва улардан буюмлар олишни тадқиқ қилиш.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Навоий давлат кончилиқ ва технологиялар университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №05/2023-ПШ-сон “Чиқинди автошиналарини чиқиндисиз қайта ишлаш технологиясини яратиш” мавзусидаги хўжалиқ шартномаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади эскирган автомобил шиналари, резинотехника буюмлари ва резина саноати иккиламчи хомашёларини паст ҳароратли қайта ишлаш пиролиз технологиясини ишлаб чиқиш ва улар асосида полимер композициялари учун ингредиентлар олишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

эскирган автомобил шиналари, резинотехника буюмлари, резина саноати иккиламчи хомашёларини қайта ишлашнинг экологик хавфсиз, ресурслар тежашни таъминлаш ва ҳозирги кунда маълум бўлган қайта ишлаш усулларида фойдаланишга тўсқинлик қилувчи асосий сабабларни аниқлаш;

паст ҳароратли пиролиз усулидан фойдаланган ҳолда автомобил шиналари, резинотехника буюмлари, резина саноати иккиламчи хомашёларини қайта ишлаш технологик жараёнининг экологик

хавфсизлигини, энергия самарадорлигини, ресурслар тежашни таъминлаш мақсадида кислородсиз муҳитда деструкция қилиш технологик жараён оптимал параметрларини аниқлаш;

олинган иккиламчи маҳсулотларнинг сифат ва миқдорий таркибларини аниқлаш, улар асосида композицион полимер материаллар таркибини берилган талабларга мувофиқ ишлаб чиқиш;

яратилган ингредиентларни ҳар хил структурали полимерлар асосидаги композициялар технологик, реологик ва техник хоссаларига таъсирини аниқлаш ва ҳар хил шароитларда ишлатилувчи буюмлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш;

ҳар хил структурали эластомерлар асосидаги эскирган резинатехника буюмлари ва шиналарини пиролизи натижасида олинган фаоллаштирилган кукунли ингредиентлар ёрдамида чиқинди сувлардаги оғир металллар ва бошқа зарарли ифлослантувчи моддаларни ажратиш жараёнини аниқлаш;

термик парчалаш жараёнида турли ҳароратларда (600–800°C) олинган сорбентларнинг адсорбция қобилиятини таҳлил қилиш;

ҳароратнинг сорбентларнинг тузилиши ва ифлослантувчи моддаларни тозалаш самарадорлигига таъсири ўрганиш ва мақбул ҳарорат шароитлари сорбент таркибини аниқлаш;

чиқинди сувларни тозалаш натижасида ҳосил бўлган сув таркиби мавжуд экологик ва санитария нормаларига мос келишини баҳолаш ва саноат чиқинди сувларини тозалаш технологиясини ишлаб чиқиш;

Тадқиқотнинг объекти эскирган автомобил шиналари, резинатехника буюмлари ва резина саноати вулканланган иккиламчи хомашёлари ҳамда паст ҳароратли пиролиз натижасида олинган маҳсулотлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети яратилган эскирган автомобил шиналари, резинатехника буюмлари ва резина саноати вулканланган иккиламчи хомашёлари асосидаги ингредиентлар ва уларни қўллаб олинган полимер композициялари ва буюмлар, адсорбентлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида инфракизил спектроскопия (ИКС), ЯМР спектроскопия, термогравиметрик, дифференциал-термик, термомеханик, деформацион ва стандарт таҳлил усуллари каби замонавий физик-кимёвий, технологик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

автомобил шиналари, резинатехника буюмлари ва резина саноати иккиламчи хомашёларини қайта ишлаш кислородсиз муҳитда паст ҳароратда деструкция қилиш пиролиз усули технологик жараёни яратилган;

олинган иккиламчи маҳсулотларнинг сифат ва миқдорий таркиблари ўрганилиб, улар асосида берилган талабларга мувофиқ композицион полимер материаллар таркиби ишлаб чиқилган;

ҳар хил структурали полимерлар асосидаги композициялар технологик, реологик ва техник хоссаларига яратилган ингредиентларни таъсири ўрганилиб ва ҳар хил шароитларда ишлатилувчи буюмлар олиш технологиялари ишлаб чиқилган;

хар хил структурали эластомерлар асосидаги эскирган резинатехника буюмлари ва шиналарини пиролизи натижасида олинган фаоллаштирилган кукунли ингредиентлар ёрдамида, чиқинди сувлардаги оғир металллар ва бошқа зарарли ифлослантирувчи моддаларни ажратиш жараёни асосланган;

пиролиз жараёнида турли ҳароратларда (600–800°C) олинган сорбентларнинг адсорбция қобилиятини аниқланиб, ҳароратнинг сорбентларнинг тузилиши ва ифлослантирувчи моддаларни тозалаш самарадорлигига таъсири ва мақбул ҳарорат шароитлари сорбент таркиби аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

хар хил структурали эластомерлар асосидаги эскирган резинатехника буюмлари ва шиналарини, паст ҳароратли пиролиз усули ёрдамида қайта ишлашнинг оптимал режимлари: ҳарорат 550 °C; чиқинди бўлақларининг ўлчами – 160 мм; вақт давомийлиги – 245 минут эканлиги аниқланган;

яратилган ингредиентлар асосидаги композициялар технологик, реологик ва техник хоссаларига яратилган ингредиентларни таъсири ўрганилиб ва ҳар хил шароитларда ишлатилувчи буюмлар олиш технологиялари ишлаб чиқилган;

хар хил структурали эластомерлар асосидаги эскирган резинатехника буюмлари ва шиналарини пиролизи натижасида олинган фаоллаштирилган кукунли ингредиентлар ёрдамида саноат чиқинди сувларини тозалаш технологияси ишлаб чиқишилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Олинган натижаларнинг ишончлилиги замонавий физик-кимёвий таҳлил усуллари - дериватография, ИҚ спектроскопия, ғовакликни текшириш учун синов машинасидан фойдаланилган ҳолда лаборатория тадқиқотлари олиб борилганлиги, ўтказилган кўп сонли тадқиқотларнинг натижалари қониқарли даражада мутаносиблиги ва миқдорий тасдиқлаш билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти иккиламчи резинотехника маҳсулотлари, шиналар ва резина саноати чиқиндиларини қайта ишлаш, улардан олинган маҳсулотлар асосида полимер композициялари, сувни тозалаш адсорбентларини олиш таркиби ва технологиялари илмий асослари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса, иккиламчи резина маҳсулотларини қайта ишлаш жараёнида ажралиб чиқаётган зарарли газлар миқдорини камайтириш ва пиролиз жараёнида ишлатиладиган табиий газлар ўрнига чиқинди газлардан фойдаланиш, олинган ингредиентлар асосида, белгиланган структура ва хусусиятларга эга бўлган полимер композициялари ва буюмлари олиш, саноат чиқинди сувларини тозалаш, технологияларини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши. Резинатехника буюмлари, шина ва резина саноати чиқиндиларини қайта ишлаш асосида олинган ингредиентларни қўллаб композицион полимер материаллар ва

адсорбентлар олиш технологиясини яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

эскирган резинатехника буюмлари, шина ва резина саноати чиқиндиларини қайта ишлаш технологияси «Навоий кон-металлургия комбинати» АЖга қарашли, Навоий машинасозлик заводи ИЧБнинг резинатехника буюмлари ишлаб чиқариш цехида амалиётга жорий этилган («Навоий кон-металлургия комбинати» АЖнинг 2025 йил 20-июндаги 23/01-01-07/422-сонли маълумотномаси). Натижада, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги эскирган резина маҳсулотларини 100 % экологик тоза қайта ишлаш имконини берган;

ишлатилган автомобиль шиналаридан олинган сорбентларни қўллаб 3-сонли ГМЗ саноат чиқинди суларини тозалаш усули «Навоий кон-металлургия комбинати» АЖнинг «2025–2026 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («Навоий кон-металлургия комбинати» АЖнинг 2025 йил 20-июндаги 23/01-01-07/422-сонли маълумотномаси). Натижада, 3-гидрометаллургия заводи саноат чиқинди суларини умумий қаттиқлигини 24,62 мг-экв/л гача камайтириш имконини берган;

ишлатилган автомобиль шиналари ва бентонит асосидаги сорбентлар ёрдамида 3-сонли ГМЗ саноат чиқинди суларини тозалаш усули «Навоий кон-металлургия комбинати» АЖнинг «2025–2026 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («Навоий кон-металлургия комбинати» АЖнинг 2025 йил 20-июндаги 23/01-01-07/422-сонли маълумотномаси). Натижада, 3-сонли ГМЗ саноат чиқинди сувлари таркибидаги оғир металлларнинг миқдорини ўртача 70–83 % гача камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 15 та республика ва 4 та халқаро илмий-техник анжуманларда маъруза қилинди ва муҳокамадан ўтказилди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий ишлар чоп этилган бўлиб, улардан 13 таси мақола, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари (DSc) асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда, жумладан, 9 таси республика журналларида, 4 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг тузилиши кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертация ҳажми 200 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва унга бўлган талаб, тадқиқот мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган,

тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга қўлланилиши бўйича тавсиялар, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши келтирилган.

«Эластомер композициялар таркиби ва ишлатилиш соҳалари» деб номланган биринчи бобида ҳозирги кундаги эластомер материалларнинг таркиби, ишлатиш соҳалари мавжуд технологик жараёнининг ҳолати ва ривожланиши тенденциялари таҳлил қилинган. Резина саноатида вулканланган чиқиндилар ва эскирган буюмлардан олинган хом-ашёларни қайта ишлаш усуллари, олинган маҳсулотлардан саноатда ва ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган давлатлар, ҳамда композицион материаллар учун юқори молекулали бирикмалар асосидаги маълум бўлган углеродли (таркибида углерод сақлаган) материалларини ва уларни композицияларини комплекс хоссаларига таъсирини ўрганиш, углерод сақлаган материал асосида сорбентлар олиш учун батафсил таҳлиллар олиб борилган.

Адабиётларнинг критик таҳлили ҳамда углерод сақлаган материални олиниш жараёнини замонавий ҳолатини ўрганиб чиқиш асосида шу нарса аниқландики, композицияларни яратишда энг мақбул йўналишларни ва маҳаллий хомашё асосида кўп функционал ингредиентлар топиш ҳамда композицион материаллар технологияларни яратилиши ва улар асосида специфик хоссали буюмлар яратиш асосланган. Шунингдек, пиролиз суюқлиги таркибидан олтингугуртни ажратиб олиш ва рангсизлантириш бўйича адабиёт манбалари ўрганилиб чиқилган


«Резина саноати вулканланган иккиламчи хомашёлари, эскирган резинатехника буюмлари ва шиналарининг хоссаларини ўрганиш» деб номланган иккинчи бобида бошланғич хом-ашёлар резина бўлакчалари, резина саноати вулканланган чиқиндилари ва эскирган резина буюмларининг физик, кимёвий ва механик хоссаларини аниқлаш усуллари ўрганилган.

Бунда, резина чиқиндиларининг паст ҳароратли термик парчалаш жараёнини ҳар томонлама ўрганиш вазифасини кўяди, бу реакцияни бошқариш ва башорат қилинадиган натижаларни олиш учун асосий далилларни топишга имкон беради.

Шу мақсадда ишлаб чиқаришда қўлланиладиган кичик реактори ишлаб чиқилди, у диаметри 400 мм ва баландлиги 600 мм бўлган цилиндрсимон қурилма бўлиб, у электр печига вертикал равишда ўрнатилади (1-расм).


Кислород кирмаслигини таъминлаш мақсадида реактор ичига термос сифатида ёпиқ реактор ўрнатилади. Реактор ҳарорати 500-600 °С гача қиздириш билан олиб борилади. Ҳарорат хромел-алюмелли термопара ёрдамида бошқарилади. Реакторда ҳосил бўлаётган пиролиз газлари труба ичида труба иссиқлик алмашиниш қурилмаси орқали конденсат йиғичга юборилди. Иссиқлик алмашиниш қурилмаси ичида совитувчи сифатида сув ишлатилиб, у ташқи труба орқали қарама-қарши йўл билан ҳаракатланади. Труба ичида эса ҳосил бўлган газ конденсатланди. Дастлаб реакторга етарли миқдордаги резина бўлаклари жойлаштирилиб, реактор жараён борадиган

хароратгача қиздирилади. Реактор термосидаги ҳарорат 380 °С га етгандан сўнг газлар ажралиши бошланади. Жараён 90 дақиқадан 120 дақиқагача вақт оралиғида жараён тугагунига қадар доимий равишда олиб борилади. Реакция охирида электр энергияси ўчирилади ва углерод қолдиғини туширишдан олдин совутишга қўйилади.



1-расм. Резина саноати вулканланган чиқиндилари ва эскирган резина буюмлари бўлакчаларини термик парчаланнинг технологик принциплал схемаси: 1–реакторнинг иситиш учун мўлжалланган ташқи қисми; 2 – термос реактор; 3 – труба ичида трубаги иссиқлик алмашиниш қурилмаси; 4– кондендат йиғгич; 5– байпас; 6 – электр энергияси билан иситиш; 7,8 – монометр; 9 – газ ҳисоблагичи; 10,11,12,13 – термопара.

Резина бўлакчалари ҳаво кирмайдиган тигелда термогравиметрия ёрдамида шинанинг парчаланиши учун ҳарорат оралиғи аниқланди (2-расм). Термик парчаланиш 150 °С да бошланади ва намуна массасининг бир қисми йўқолади. Максимал масса йўқолиши 343-402 °С оралиғида содир бўлади ва модданинг максимал парчаланишини кўрсатади. Жараён 550 °С ҳароратда тугайди, бу қўнғир кўмир чиқиндиларининг термик парчаланиш жараёнига ўхшайди.



2-расм. Резина саноати вулканланган чиқиндилари ва эскирган резина буюмларининг бўлакларининг дериватограммаси: 1. Т-температура эгри чизиғи; 2. ДТГА эгри чизиғи; 3. ТГП-эгри чизиғи; 4-ДСК-эгри чизиғи.

Таҳлил натижаларидан хулоса қилишимиз мумкинки, термик парчаланиш жараёни 500-550 °С ҳароратлар оралиғида амалга оширилиши керак. Шундай қилиб, дериватографик таҳлил бизга резина маҳсулотларини қайта ишлаб, қўлланилиши мумкин бўлгани иккиламчи маҳсулотлар олиш имконини беради (1-жадвал).

Қуйидаги 1-жадвалда турли хил температуралар оралиғидаги пиролиз маҳсулотларининг унумдорлиги келтирилган.

1-жадвал

Турли хил қиздириш ҳароратларда резина бўлакчалари пиролиз маҳсулотларининг унуми

Пиролиз маҳсулотлари, масс.%	Температура, °С				
	375-450	450-550	550-650	650-750	750-900
Газ (г)	4,8 - 5,0	5,4 - 5,9	7,6 - 7,8	7,9 - 8,1	8,3 - 8,5
Пиролиз суюқлиги (с),	30,1-32,3	48,9 - 50,1	58,3- 60,1	59,4-61,2	61,8 - 62,9
Қаттиқ қолдиқ, (қ)	60,1-61,0	39,2 - 40,0	31 - 31,6	29.8-30,2	27.9 - 28,1
Йўқотиш	5 - 1,7	6,5 - 4,0	3,1 - 0,5	2,9 - 0,5	2,0 - 0,5

Эскирган шиналарни термик парчалаш жараёнида уч турдаги маҳсулот олинади: газ, пиролиз суюқлиги ва қаттиқ углерод сақлаган материал. Олинган натижаларнинг 1-жадвалдаги таҳлил маълумотлари шуни кўрсатадики, жараён ҳарорат ортиши билан суюқ маҳсулотлар унумининг сезиларли даражада ошиши кузатилади, ҳамда суюқлик миқдори камая бошлайди 650-750 °С дан кейин камаяди чунки суюқ углеводородлар деярли 550-650 °С гача ажралиб бўлади, углерод сақлаган модданинг чиқиши эса кескин камаяди.

2-жадвал


Турли ўлчамдаги эскирган резина буюмларининг термик парчаланиш жараёни вақтига ҳароратнинг таъсири

Резина бўлагининг ўлчами, мм	Қиздириш ҳарорати, °С			
	550	650	750	900
	Резина бўлакчаларининг термик пиролиз вақти			
10	2	2	2	2
20	5	5	5	5
40	18	17	16	15
80	65	57	54	51
160	245	235	228	204
320	921	912	905	895

Юқори даражадаги дисперсияга эга бўлган хомашёлардан фойдаланилганда, иссиқлик алмашинувининг максимал даражада сирт юзасида гетероген жараёнлар содир бўлади. Натижада реакциянинг бориш

вақти қисқаради ва оқибатда иссиқлик ташувчини қиздириш учун энергия сарфи камаяди. Бундан ташқари, ҳар хил катталиқдаги 12 дан 300 мм. гача бўлган шина каучуклари пиролиз жараёни бориш вақти, белгиланган оптимал ҳарорат 550°C дан ташқари учта қўшимча ҳароратлар 600, 800 ва 900°C да ҳам аниқлаб олинди (2-жадвал).

Тажриба шуни кўрсатадики, резинани термик парчаланиш вақти 2 дақиқадан 15 ярим соат оралиғида давом этади. Бу биринчи навбатда резина бўлаги қалинлигига боғлиқ бўлиб, 3-расмда аниқ кўрсатилган барча тўртта эгри чизик амалда бир-бирининг устига тушади ва буни дериватографик таҳлил натижалари ҳам тасдиқлайди.




3-расм. Эскирган резина буюмлари бўлагчалари ўлчамининг термик парчаланиш жараёни вақтига боғлиқлиги: 1-525°C; 2-600°C; 3-700°C; 4-800°C

Вақт ўтиши билан резина бўлагининг марказий ўқи бўйлаб ҳарорат ўзгариши нотекис содир бўлади. Резина бўлаги сирт юзаси ва марказий ўқи ўртасидаги ҳарорат фарқи қанчалик катта бўлса, ҳароратнинг кўтарилиш тезлиги шунчалик юқори бўлади. Қайси параметрлар турли ўлчамда майдаланган хомашёни иситиш учун муҳимроқ эканлигини аниқлаш мақсадида резина бўлакларининг қалинлиги ёки ўзига хос сирт юзаси, радиуси ва бошқа хусусиятларининг таъсири ўрганилди .

«Резина саноати вулканланган чиқиндилари ва эскирган резина техника буюмлари шиналарини паст ҳароратда қайта ишлаш усулини ишлаб чиқиш» деб номланган учинчи бобида эскирган автомобил шиналарни бутунлигича термик парчалаш йўли билан узлуксиз қайта ишлаш қурилмаси схемаси, атроф-муҳитга тарқаладиган газларнинг сифат ва миқдорий кўрсаткичлари ва уларни бартараф этиш усуллари бағишланган.

Таклиф этилган қурилманинг хусусияти шундаки, қайта ишланаётган хом ашё мажбурий ҳаракатлантириш учун занжирли транспортдан фойдаланилади бу транспорт ҳаракатда бўлганида реактор камераси ўлчамига нисбатан баландликни ўзгартириш қобилиятига эга бўлган эластик скраблар 10 билан жиҳозланган.



4-расм. Эскирган автомобил шинасини бутунлигича термик парчалаш қурилмаси: 1 – футеровкали корпус; 2 – камера жойи; 3 – юқори камера; 4 – пастки камера; 5 – ёқиш жойи ; 6 – шина сақлаш жойи ; 7 – шина; 8 – йўлак ; 9 – ажратгич;

Эскирган шиналар реакторга махсус юклаш мосламаси орқали киради (4-расм). У ҳолатда реакторда кислородсиз муҳит бўлиши лозим, бу орқали 5 ҳаво қулфи бўлими 2 юқори 10 ва пастки 11 қисмлар ешиклари ёрдамида юқори 3 ва пастки 4 ҳаво блокировкаси камераларига бўлинади. Ўтказилган илмий-тадқиқотлар асосида автомобил шиналарини бутунлигича пиролиз қилиш орқали жараёни тўлиқлигича давом этишига ва олинган маҳсулотларнинг сифати яхшиланишига эришилади. Ишлаб чиқилган ва тавсия этилаётган технологиянинг иқтисодий ва экологик жиҳатларни ҳам ҳисобга олинади. Бу эса давлат учун фойдаланилмаётган автомобил шиналари каби саноат чиқиндиларини зарарсизлантириш соҳасида янги усулни жорий қилишга ёрдам беради.

Тавсия этилаётган қурилма ёрдамида олинган натижалар таҳлилига кўра, барча моддаларнинг максимал мумкин бўлган концентрациялари эмиссия манбаларига яқин масофаларда ва 5,7 м дан 32 м гача бўлган масофаларда эришилади, фақат учта модда максимал концентрациялар нуқталарида рухсат этилган максимал концентрация қийматларидан (максимал бир марталик) ошиб кетади: булар олтингугурт оксиди, ноорганик чанг ва тўйинган углеводородлардир.

Моддаларнинг суммаси таъсирини ҳисобга олган ҳолда умумий ҳавонинг ифлосланиш индексини ҳисоблаш натижалари 3-жадвалда келтирилган.

Эскирган автомобил шиналарини қайта ишлашнинг чиқиндисиз технологиясини яратиш учун илмий тадқиқотлар Зарафшон шаҳрида жойлашган Мурунтау корхонасида оҳақтош ишлаб чиқариш печини (таклиф этилаётган намуна) ўрнатишни тавсия қилиш орқали янги қурилма ишга тушурилди. Ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун чизмалар катта юк ташиш техникаларининг ишлатилган шиналарини чиқиндисиз қайта ишлаш учун мўлжалланган ва бу технология ишлаб чиқаришга тавсия этилди.

Захарловчи манбалари рўйхати ва уларнинг ер усти ҳавоси
ифлосланишининг ҳисобланган хусусиятлари

№	Захарловчиларнинг номи	Модда коди	Максимал мумкин концентрация, См		Хавфли шамол тезлиги, м/с	Манбадан хавфли масофа, м	Масофага эришиши РЭМ, м
			мг/м ³	Улуши РЭМ			
1	Азот IV оксиди	301	0,368	4,33	1,21	15,15	83
2	Углерод IV оксиди	337	0,613	0,12	1,21	15,15	См<1 РЭМ
3	Метан	410	0,004	$0,72 \cdot 10^{-4}$	3,8	32,03	См<1 РЭМ
4	Углеводород	2754	8,36	8,36	0,5	11,4	101
5	Чанг	2909	4,05	8,1	0,5	5,7	63

«Иккиламчи ва эскирган резина маҳсулотларидан олинган ингредиентларни физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш» деб номланган тўртинчи бобида қайта ишлаш жараёнида ҳосил бўлган газлар, суюқ ва қаттиқ ингредиентларни физик-кимёвий хоссалари пиролиз жараёнида ҳосил бўлган углерод сақлаган материалнинг рентгенофазали, ИҚ-спектроскопик, дериватографик ва сканерловчи электрон микроскопик тадқиқотларига бағишланган.

Ўтказилган тадқиқотлар экологик хавфсизлик нуқтаи назаридан юқори тоннали автомобиль шиналарининг паст ҳароратли пиролизи параметрларини аниқлашга имкон беради, бу эса суюқ реакция маҳсулотларининг энг юқори унумда керакли натижани олиш имконини беради. Шу билан бирга, ҳосил бўлган суюқ маҳсулотлардан кейинги экологик хавфсиз фойдаланиш ва унинг ҳажмида тўпланганларни хавфсиз ҳолатларда фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, шунингдек, қаттиқ қолдиқ ва газсимон пиролиз маҳсулотларидан фойдаланиш, уларнинг кимёвий таркиби ва физик-кимёвий хоссаларини чуқур ўрганишни тақозо этади.

Эскирган шиналарнинг парчаланиши мураккаб тарзда боришини ҳисобга олган ҳолда, унинг пиролиз маҳсулотлари таркибини ўрганишнинг энг мақбул усули газ-суюқлик хроматографияси ва хроматомасс спектрометрия усули ҳисобланади. Ушбу усуллардан фойдаланиб, газсимон маҳсулотлар ва пиролиз суюқликларининг таркиби ўрганилди. 550°C ҳароратда пиролиз газларини таҳлил қилиш бўйича тадқиқотлар маълумотлари 4-жадвалда келтирилган.

Резина бўлаклари пиролизининг газсимон маҳсулотлар таркиби кўмирнинг термик парчаланиши маҳсулоти таркибидан сезиларли даражада фарқ қилади. У углерод оксидларини ўз ичига камроқ олади, уларнинг таркиби кўмир пиролизи маҳсулотларига 80% таркиб жиҳатдан ўхшаш. Углерод оксидларини бундай интенсив шаклланиши кўмир таркибига кирувчи ва

резинали бирикмалар мавжуд бўлмаган карбоксил гуруҳларини декарбонилланиш реакциялари туфайли содир бўлади.

4-жадвал

550°C эскирган резина маҳсулотларидан олинган газларнинг сифат ва миқдорий таркиби

№ т/р	Компонентлар номи	Компонентлар миқдори, масс %	№ т/р	Компонентлар номи	Компонентлар миқдори, масс %
1.	Метан	45,0	6.	Этилен	2,2
2.	Этан	14,9	7.	Бутен	1,3
3.	Пропан	5,0	8.	Водород	17,5
4.	Бутан	3,5	9.	Углерод оксиди	4,2
5.	Пропилен	1,5	10.	Углерод диоксиди	4,9

Суюқ маҳсулотлар чиқишининг майдаланган шиналар парчаланиши ҳароратига ва шиналар каучуклар деструкцияси вақтидаги пиролиз суюқ маҳсулотларининг чиқишига ўрнатилган аналитик боғлиқликлари ўрганилди.

5-жадвал

Суюқлигининг сифат ва миқдорий таркиби (550 °C)

Компонентлар номи	Миқдори, % масс.
Изопрен	0,1
Гэксен-1	0,5
Гептен-1	0,4
н-Октан	0,8
Циклогексан	0,5
Дипентен	0,2
Бензол	12,0
Толуол	12,8
Тиофен	1,2
2-Метилтиофен	0,6
3-Метилтиофен	0,5
Этилбензол	13,2
п-Ксилол	4,4
м-Ксилол	4,1
о-Ксилол	3,4
н-Пропилбензол	1,0
Изопропилбензол (кумол)	1,9
Ароматик углеводородлар C ₉ -C ₁₀	32,5
Бошқа бирикмалар	9,9

Бу эса майдаланган резина маҳсулотларини қайта ишлаш технологиясининг муҳим параметрларини аниқлаш ва ишлатилган автомобиль шиналарини пиролиз қайта ишлаш учун экологик тоза қурилмаларни лойиҳалашга асосли ёндашув учун зарур шарт-шароитларни яратиш имконини беради.

Суюқлигининг миқдорий таҳлили (5-жадвал) шуни кўрсатадики, бензол, толуол ва бензолнинг бир қатор қуйи ва юқори гомологлари кўп экан.

Углерод сақлаган материал-қора рангдаги мўрт углерод массаси ҳисобланади. Маҳсулотнинг асосий кўрсаткичлари 6-жадвалда келтирилган.


6-жадвал

Ишлатилагн автомобил шиналарини 550 °С ҳароратдаги шина пиролизидан олинган қаттиқ қолдиқнинг асосий кўрсаткичлари

Номлари	Кўрсаткичлар, масс.%
намлик, % масс.	0,35 Углерод Водород олтингугурт қолдиқ
кул, % масс.	7,70
Учувчан моддалар миқдори, % масс.	1,80
Ёниш иссиқлиги, МДж/кг	23,5
Солиштира геометрик сирт юзаси, м ² /г	43-49
Солиштира шартли сирт юзаси, м ² /г	14-18
Фено бўйича солиштира адсорбцион сирт юзаси, м ² /г	36-40
Органик массани элемент таркиби, % масс.:	
Углерод	94,9
Водород	1,89
олтингугурт	2,10
қолдиқ	1,11

Пиролиз натижасида олинган углерод сақлаган материал саноатда иккиламчи маҳсулот ҳисобланмайди. Жумладан, кунғир кўмир карбонатларига қараганда анча паст бўлган кўрсаткичлар кичик солиштира сирт юзаси ва камроқ сорбцион қобилиятга эга. Ушбу кўринишда пиролитик углеродни тижорат маҳсулоти сифатида ишлатиш мумкин эмас ва ундан тижорат қийматига эга фойдали товарларни олиш учун кўшимча технологик қайта ишлаш зарур.

Ҳосил бўлган углерод сақлаган материални таҳлил қилинганда унинг таркибидаги компонентлар техник углеродни етарлича юқори сифатда эканлигини исботлайди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, углеродга эга материалнинг заррачалари ўлчамини камайтириш тўпланган зичлик, кислоталик, намликни оширади ва деярли кул миқдорига таъсир қилмайди.



5-расм. Автомобил шиналарини пиролизи натижасида олинган углерод сақлаган материалнинг рентгенограммаси

Кислота ва намликнинг ошиши катта солиштирма сирт майдонига ега бўлган кичик зарралар атроф-муҳитдаги кислородни осонроқ қабул қилиб, мураккаб бирикмани ҳосил қилишига боғлиқ бўлади. Углерод ўз ичига олган материаллар таркиби рентген фазаларини таҳлил қилиш йўли билан ҳам ўрганилди, олинган ва таҳлил қилинган натижалар 6-жадвалда келтирилган. Олинган дифрактограммалар мис (Cu) найча ($K_{\infty 1}=1,5406 \text{ \AA}$, $K_{\infty 2} = 1,5443 \text{ \AA}$, $K_{\infty 2} / K_{\infty 1}=0,5$.) билан жиҳозланган "Shimadzu XRD-6100" маркали қурилмада рентген дифрактограммаси олинган ва олинган ва "Profex-Open source XRD and Reitveld Refinement" дастурида таҳлиллар ўтказилган.

7-жадвал

Иккиламчи автомобил шиналарини пиролиз қилиш натижасида олинган углерод сақлаган материалнинг рентген фазали таҳлили натижалари


№ т/р	Углерод сақлаган модда таркиби	Миқдори, %	Ютилиш миқдори, %
1.	Кальцит	7,59	0,46
2.	ZnO	1,14	0,07
3.	Анкерит ($\text{Ca}(\text{Mg}, \text{Fe})[\text{CO}_3]_2$)	1,21	0,1
4.	ZnS	0,39	0,04
5.	Аморфный углерод	88,24	0,71
6.	Флуорит	0,66	0,07
7.	Графит-3h (кристаллический)	0,24	0,06
8.	Кварц	0,32	0,06
9.	K_2SO_4	0,22	0,07

Тадқиқот натижаларини Риетвелд усули ёрдамида таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, углерод сақлаган материал асосан аморф углерод (88,24 %), калцит (7,59 %), анкерит (1,21 %), рух оксиди (1,14 %) ва бошқа таркибий қисмлардан иборат. Шундай қилиб, углерод таркибидаги материалнинг тақдим этилган рентген фазали таҳлили турли қисмларни ўз ичига олган таркибини исботлайди.

«Иккиламчи ва эскирган резина маҳсулотларини паст ҳароратда термик ишлов бериш натижасида олинган ингредиентларни ишлатилиш

соҳаларини аниқлаш» деб номланган бешинчи бобда эскирган автомобил шиналарини термик парчалаш жараёнида ҳосил бўлган иккиламчи маҳсулотлар газ, суюқлик ва углерод сақлаган модданинг ишлатилиш соҳалари ва атроф муҳитга чиқадиган олтингугуртдан тозалаш натижаларига бағишланган.

Эскирган резинатехника буюмларидан олинган газ фазаларни ишлатиш соҳалари сифатида асосан, 2- гидрометаллургия заводида оҳак тайёрлаш печларидан табиий газдан фойдаланилади шунинг ўрнига, термик парчалашда ҳосил бўлган газлар таклиф этилаётган утилизатор печида (кейинги ўринларда - Утилизатор) линиясига ўрнатилиб атмосферага чиқадиган чиқинди газлар миқдори камайтиради ва иқтисодий самарадорлик ошади.



6-расм. Оҳактошни куйдириш мажмуасидан чиқадиган иссиқликдан пиролиз жараёни учун фойдаланиш технологик схемаси: 1–Оҳактош воронкаси; 2 – Оҳактош бўлмаси; 3 – газ қувури; 4 – айланма печ; 5– пиролиз реактори; 6 – тозалаш бўлмаси; 7 – минора;


Эскирган автомобиль шиналарини қайта ишлашнинг чиқиндисиз технологиясини яратиш учун илмий тадқиқотлар Зарафшон шаҳрида жойлашган Мурунтау корхонасида оҳак ишлаб чиқариш печини (таклиф этилаётган намуна) ўрнатишни тавсия қилиш орқали янги қурилма ишга туширилди. Ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун чизмалар катта юк ташиш техникаларининг эскирган шиналарини чиқиндисиз қайта ишлаш учун мўлжалланган ва бу технология ишлаб чиқаришга тавсия этилди (6-расм):

Суюқлик таркибидаги олтингугурт миқдорини камайтириш ва ишлатиш соҳаларини аниқлаш ишлари Зарафшон шаҳрида жойлашган Мурунтау конида олиб борилди. Ҳар хил маркадаги ишлатилган шиналар учта турли ўлчамда кесилиб, тупроқ ва ифлослантирувчи моддалардан тозаланди. Ушбу шина бўлакларини пиролиз қилиш зангламайдиган пўлатдан ясалган 70,0 см узунликдаги ва 15,0 см ички диаметрли реакторда амалга оширилди.

